



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

## Туризм



## МАМЛАКАТНИНГ

## «ТАШРИФ ҚОҒОЗИ»

Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос жозибаси, табиат ато этган латофати бор. Юртнинг довуғини ёйишда эса замонавий бунёдкорлик ишлари, сайёҳлик манзилларини кўпайтириш каби жиҳатлар мавжудки, бугунги кунда ушбу йўналиш ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда ҳам бу борада жуда муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кейинги етти-саккиз йилда туризм жабҳасини юксалтириш мақсадида беқиёс ишлар амалга оширилганлигини барчамиз кўриб, билиб турибмиз.

Аниқ рақамлар ва далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилда жами 9,4 миллион нафар туризм ва бошқа мақсадларда хорижий сайёҳлар ташриф буюрди, уларга кўрсатилган туризм хизматлари экспорти 3,1 миллиард долларни ташкил этди, ушбу кўрсаткичлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробарга ўсди. Европа, олис ҳамда кўшни давлатлардан келувчи сайёҳларнинг ўрточара харажатлари 2022 йилга нисбатан 1,5 баробарга ошди.

Кўшни ва МДХ мамлакатларидан сайёҳлар сони 2022 йилга нисбатан 1,3 баробарга, узоқ хориждан 2,5 баробарга ошди. Хитойдан 13, Италиядан 4,3, Ҳиндистондан 3,8, Германиядан 2,1, Туркиядан 1,4 ва Жанубий Кореядан 2 баробар кўп сайёҳлар ташриф буюрди. Индонезиядан зиёрат туризми мақсадида ташриф буюрган сайёҳлар сони 14,6 ва Малайзиядан 6,1 баробарга ошди.

25-26 апрель кунлари “Шаҳрисабз – Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг туризм пойтахти” халқаро форуми ва “Хива — 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти” шиори остида жорий йил 31 май – 2 июнь кунлари Хива шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлари туризм вазирлари XII йиғилиши тадбирлари юқори савияда ўтказилди.

(Давоми 2-саҳифада)

## МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК



Ўзбекистонда аҳоли сони кўпая боргани сари, мамлакатда янги иш ўринларига бўлган талаб ҳам тобора ортмоқда. Шу сабабли, Ўзбекистон ҳукумати иш ўринларини кенгайтириш учун хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилган. Аммо маълум кафолатлар бўлмас экан, меҳнат бозори ўз жозибадорлигини йўқотиши, мавжуд ишчи-ходимларни ҳам сақлаб қола олмаслиги мумкин. Ана шундай кафолатлардан бири эса – ижтимоий шерикликдир.

Ижтимоий шериклик тушунчаси нима?

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида унга шундай таъриф берилган:

“Ижтимоий шериклик – давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармок, худудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир”.

Халқаро тажрибада меҳнат муносабатларидаги ижтимоий шерикликка “...кичик фирмалардан тортиб макроиқтисодий даражада бўлган турли корхоналарнинг икки ва уч томонлама кооператив ишлаб чиқариш муносабатларини тартибга солиш”, деб таъриф берилган.

Яъни ижтимоий шериклик меҳнат бозорида тенгсизликка қарши курашиш воситаси ҳисобланади. Бу ишчиларга иш берувчи эга бўлган имтиёزلардан, шароит ва имкониятлардан тенг фойдаланишни кафолатлайди. Давлат органларини эса ҳар қандай ижтимоий муаммони ҳал қилишда жамият билан ҳамкорлик қилишга ундайди.

Ўзбекистон ва дунё амалиётида ижтимоий шериклик асосан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий фаоллиги ва бандлигини таъминлаш, атроф-муҳит, соғлиқни сақлаш, ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат ҳаётидаги тўлақонли иштирок этишини таъминлаш каби соҳаларда амалга оширилиб келинмоқда.

(Давоми 9-саҳифада)

## Тадбир

## АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИДА ЖАМОАТ ЭКОЛОГИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ

17-декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва Глобал экологик фонднинг кўшма «Орол денгизи ҳавзаси ландшафтининг таназзул ерларида барқарор ҳаётни таъминлашни қўллаб-қувватлайдиган асос сифатида қўллар, сув-ботқоқ ва қирғоқбўйи худудларини сақлаш ҳамда бошқариш» (Aral wetlands) ҳамкорликдаги лойиҳасини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон ННТлар миллий ассоциацияси Қорақалпоғистон Республикаси худудий бўлими аъзолари билан ахборот учрашуви бўлиб ўтди.

Лойиҳанинг асосий мақсади муҳофаза этиладиган табиий худудлар, асосий биологик хилма-хиллик худудлари ва асосий орнитологик худудлар атрофидаги самарали ландшафтларнинг ер ва сув ресурсларини комплекс бошқариш билан биргаликда тупроқ деградациясининг олдини олиш орқали Қуйи Амударё ва Орол денгизи ҳавзаларида экотизим ва ҳаёт учун воситаларнинг барқарорлигини яхшилаш ҳисобланади.

Ушбу муаммоларни ҳал этишда, мақсадлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳисобланган, жамоат экологик ташкилотлари муҳим рол ўйнашлари мумкин ва зарурдир. Оролбўйи минтақасида турли фаолият йўналишлари бўйича ўттизга яқин экологик жамоат ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Шакллари турли хил бўлишига қарамай, барча жамоат экологик ташкилотларининг мақсадлари умумийдир:

- жамият олдида турган экологик муаммоларни ҳал қилишда кўмак бериш;
- экологик аҳамиятга эга ахборотни тарқатиш (буклетлар, брошюралар, журналлар чиқариш, экологик сайтлар яратиш ва бошқалар) орқали экологик билимларни тарғиб қилиш;
- экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш (семинарлар, оммавий маърузалар ва суҳбатлар, оммавий экологик кутубхоналар, табиатни муҳофаза қилиш кунларига бағишланган тадбирлар ва танловлар ва ҳ.к.);
- жамоатчилик атроф-муҳитни экологик мониторинги, экологик назорат (жамоат назорати, жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказиш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш).

(Давоми 2-саҳифада)



## АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИДА ЖАМОАТ ЭКОЛОГИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ



(Боши 1-саҳифада)

Аҳолининг эътиборини долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратиш, жамоатчилик онгини шакллантиришда экологик жамоат ташкилотларининг ўрни кўп жиҳатдан намоён бўлади. Ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал қилишда аҳолининг ижтимоий фаоллиги нафақат унинг экологик маданияти даражасига, балки уларга ижтимоий аҳамиятга эга қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имконини берувчи қонун ҳужжатларининг мавжудлиги, аҳолининг муҳитнинг экологик ҳолати тўғрисидаги хабардорлиги, жамоат экологик ташкилотларининг аҳоли билан муносабатлари каби омилларга ҳам бевосита боғлиқдир.

Ахборот учрашуви иштирокчилари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятлари жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ихтисослаштирилган идоравий ташкилотлар ва Олий ўқув юртлари ходимлари, “Aral Wetlands” лойиҳаси вакиллари (ходимлари ва экспертлари) ҳамда оммавий ахборот воситалари бўлишди.

Тадбир доирасида лойиҳа ходимлари ва экспертлари лойиҳанинг эришилган натижалари, табиий ресурсларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, жумладан, муҳофаза этиладиган ҳудудларни бошқариш учун муҳимлиги ҳақида маълумот беришди. Тадбир 4.1.1. «Маҳаллий ресурслардан фойдаланувчилар учун биологик хилма-хилликнинг асосий кадрятлари, ҳамда ердан барқарор фойдаланиш тартиб-тамоиллари ва коидалари тўғрисида таълим ва ахборот кампаниялари» натижаларга эришиш доирасида ўтказилди. Хабардорликни ошириш компоненти ҳар бир мақсадли ҳудудда, биринчи навбатда НДЗ ва маҳаллий даромадни сақлаб қолиш учун кишлоқ хўжалигини юритиш услубиятларида биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш масалаларини ҳисобга олиш муҳимлиги ҳақидаги хабардорликни ошириш учун махсус тадбирларни ўз ичига олади.

Ушбу йўналишдаги ишлар доирасида (I) НДЗ/УУЗР чора-тадбирлари ва маҳаллий ҳамжамиятлар учун афзалликлар (II) курғоқчил ҳудудларда сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масалаларини ҳал қилишнинг муҳимлиги (III) инсон ҳаёт фаолиятини, шу жумладан экотуризм салоҳиятини кўллаб-қувватлайдиган сув-ботқоқ ерлари ва кўлларнинг экотизим хизматлари (IV) каби турли мавзулар бўйича лойиҳа тажрибасини кенгрок тарқатиш ва кўпайтириш мақсадида, НАБАМ ландшафт вилоятларида (Бухоро, Хоразм ва Қорақалпоғистон) фермерлар, чўпонлар, ҳамжамият аъзолари, таълим ва маслаҳат хизматлари вакиллари ҳамда маҳаллий ҳокимиятлар учун йигирмата ахборот-маърифий тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз

(Боши 1-саҳифада)

Илк маротаба март, август ва сентябрь ойларида барча ҳудудларда “Ички туризм ярмаркалари” ташкил қилинди. Ушбу ярмаркаларда ички туризм йўналишидаги 1700 га яқин тадбиркорлик субъектлари, жами 18,0 мингдан ортиқ иштирокчилар ташриф буюрди. Ярмарка доирасида ички саёҳатларни ташкил этиш билан боғлиқ қиймати 20,0 млрд сўмга яқин 1300 дан ортиқ шартнома ва битимлар имзоланди.

## МАМЛАКАТНИНГ «ТАШРИФ ҚОҒОЗИ»

“БМТ Туризм” (Бутунжаҳон туризм ташкилоти) маълумотларига асосан Ўзбекистон туризм хизматларидан тушган тушумлар (экспорт) бўйича дунё бўйлаб “иккинчи энг яхши йўналиш” сифатида кўрсатилди, тушумлар 2019 йилга нисбатан икки баравардан кўпроқ (+133%)га ошган. Ўзбекистон туризм экспорти ошганлиги бўйича Европа дестинациялари ўртасида энг яхши кўрсаткичга эришди.

Жаҳон Иктисодий Форуми томонидан эълон қилинган “Саёҳат ва туризмни ривожлантириш индекси” тадқиқотига кўра Ўзбекистон 2024 йилда “Туризмни ривожлантириш бўйича дунёнинг энг фаол мамлақати” деб топилди. Бу эътироф мамлақатда халқаро сайёҳларни жалб қилиш ва барқарор туризмни ривожлантиришга эътибор кучайиб бораётганини билдиради. Лондонда бўлиб ўтган маросимда Ўзбекистон нуфузли “Wanderlust Reader Travel Awards 2024” мукофотининг “Энг яхши ривожланаётган йўналиш” номинациясида ғолиб бўлди. Россиянинг “Russian traveler” журнали томонидан ўтказилган миллий туризм мукофотининг танлови натижасига кўра 2024 йилда “Ўзбекистон МДХ мамлақатлари орасида энг яхши саёҳат йўналиши” деб топилди.

Ўзбекистонда туристларга янада қулайликлар яратиш мақсадида бир қатор чоралар кўрилган. Ҳозирги кунда мамлақатда туризм сектори тез ривожланиб бормоқда ва турли соҳалардаги хизматлар ўзгариб, яхшиланмоқда. Туристлар учун яратилган асосий имкониятлар ва қулайликлар ҳақида қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин:

\* Виза тизими: Ўзбекистонда туристлар учун визасиз режим кенгайтирилган. 90дан ортиқ давлатнинг фуқаролари учун 30 кунгача визасиз кириш имконияти мавжуд. Шунингдек, электрон виза тизими жорий қилинган, бу эса туристларга виза олиш жараёнини осонлаштирди.

\* Транспорт тизими: Ўзбекистонда ички транспорт инфратузилмаси ҳам тез ривожланмоқда. Туристлар учун авиарейслар, темир йўл ҳамда автобус хизматлари яхшиланган. Бундан ташқари, такси ва каршеринг хизматлари ҳам мавжуд, бу эса туристлар учун ҳаракатланишни анча осон ва қулай қилади.

\* Туристтик инфратузилма: Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш мақсадида кўплаб замонавий меҳмонхоналар, курортлар ва туризм марказлари очилди. Меҳмонхоналар замонавий хизматлар, спорт заллари, ресторанлар ва сув ҳавзалари билан таъминланган. Бундан ташқари, маҳаллий халқнинг меҳмондўстлиги ҳам туристлар учун яна бир катта қулайликдир.

\* Туристтик йўналишлар: Ўзбекистонда тарихий ва маданий йўналишлар бой, шу билан бирга табиат манзаралари ва ўзига хос археологик ёдгорликларга эга. Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарлардаги обидалар, маданий тадбирлар туристлар учун жозибали бўлган асосий йўналишлардир.

\* Ишлаб чиқариш ва савдо: Туристлар учун сувенирлар ва маҳаллий маҳсулотларни сотиб олиш имкониятлари ҳам кўпайтирилган. Ҳудудларда турли маркалар ва сувенир дўкон-



## «ТАШРИФ ҚОҒОЗИ»

лари очилган, шунингдек, маҳаллий қолиплар ва анъанавий хунармандчилик маҳсулотлари кенг тарқалган.

Шу тариқа, Ўзбекистон туристлар учун қулайликлар ва имкониятлар яратишга катта эътибор бермоқда, бу эса мамлақатнинг туризм секторига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

2024 йилда Республикада туризм йўналишида янги лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, Тошкент шаҳрида Германиянинг “Hyper Partners GmbH” компаниясининг “Tashkent City Mall” бренди остида бизнес маркази, замонавий меҳмонхона ва турар жой ҳамда савдо маркази, 60 ўринли “Azhilil stroy” замонавий меҳмонхона ҳамда Туркиянинг “Calik Energy” компаниясининг 267 ўринли “Intercontinental” бренди остида 5 юлдузли замонавий меҳмонхона ва бизнес маркази мажмуаси, 24 ўринли “Stay INN” меҳмонхонаси, Тошкент вилояти Бўстонлик туманида 220 ўринли “Besh-yog‘och” замонавий меҳмонхона мажмуаси, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан 50 та модуллиқ капсулалар ҳамда 8 та турар мажмуаси ва 128 ўринли 16 та шале, Жиззах вилояти Жиззах туманида 250 ўринли “Zomin Suffa Resort” меҳмонхонаси, Хоразм вилояти Хива шаҳрида 534 ўринли “Arda Khiva” меҳмонхона ва туристик мажмуаси ҳамда Хива туманида 80 ўринли “ProAgro” Экотуризм ва глемпинг фаолияти, Навоий шаҳрида 100 ўринли “Zarafshon grand hotel” меҳмонхона мажмуаси, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида 74 ўринли “Termiz plaza” меҳмонхонаси ишга туширилди. Бундан ташқари ҳудудларда жами 17 та туризм кишлоқлари ташкил қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 8 июлдаги “Тошкент шаҳридаги маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда аҳоли учун қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур қарорга мувофиқ, Тошкент шаҳри туманларида 24/7 режимида фаолият кўрсатувчи узунлиги 18,9 км.ни ташкил этадиган “Гастрономик ва туризм кўчалари”ни ташкил қилиш белгиланган.

Бугунги кунга келиб, Миробод тумани Тарас Шевченко ҳамда Янгиҳаёт тумани Меҳригиё кўчаларида 24/7 режимида фаолият кўрсатувчи “Гастрономик ва туризм кўчалари” ташкил этилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада мавжуд 605 та хизмат кўрсатиш объектларининг 211 таси 24/7 режимида иш фаолиятини олиб боради, 153 та янги хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилади ҳамда 1378 та янги иш ўринлари яратилади.

Туризм давлатларни ўзаро яқинлаштирибгина қолмай, балки халқаро муносабатларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Шунинг учун, халқаро туризм индустриясини оқилона ташкил этиш, бошқариш ва ривожлантириш, жойлаштириш воситалари турларини кўпайтириш ва такомиллаштириш ҳамда бу борада жаҳон тажрибасини қўллаш Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги жозибдорлигини оширишга хизмат қилади.

Умарбек ЭСАНМУРОДОВ,  
Туризм қўмитаси матбуот хизмати  
ходими



Юртимизда кириб келаётган 2025 йилга “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”, деб ном берилгани инсон, жамият ҳаёти табиат билан узвий боғлиқлигини яққол англатиб турибди. Қабул қилинадиган Давлат дастурида “яшил” технологияларни жорий этиш, сувни тежаш, кўкаламзор ҳудудларни кескин кўпайтириш, чиқиндилар муаммосини ҳал қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш каби масалалар устувор аҳамият касб этиши муқаррар.

## ЧИҚИНДИДАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ОЛИШ – МУАММОНИНГ МАҚБУЛ ЕЧИМИ



ни ҳам кўпчиликка маълум. Бу электр таъминоти узил-шларига чек қўйиш, аҳолини арзон энергия билан таъминлаш ва чиқинди муаммосини ҳал этиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Экологик партияси Сайловолди дастурида атроф-муҳитга

зарар етказиш ҳисобига олинган энергия улушини камида 25 фоизга қисқартириш, саноатда энергия тежамкор технологияларни жорий этиш орқали энергия сарфини 50 фоизга камайтириш, 2030 йилгача энергия балансида экологик тоза ва қайта тикланувчан энергия манбалари улушини камида икки карра ошириш, қайта тикланувчан энергия манбаларини ривожлантиришга қаратилган “Яшил энергетика стратегияси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга доир ташаббуслар илгари сурилган. Бундан ташқари, чиқинди полигонлари базасида халқаро стандартларга мос келувчи электр станциялар қуришга алоҳида эътибор қаратилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 21 октябр куни Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети – “Green University”га ташрифи давомида маиший чиқиндиларни қайта ишлаш, улардан электр энергияси ва маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳалари тақдими билан танишганди. Давлатимиз раҳбари бу лойиҳаларни намунавий қилиб, ҳудудларда кўпайтириш муҳимлигини таъкидлаганди.

Унга кўра, Ўзбекистоннинг 11 та ҳудудида чет эл компаниялари компаниялари иштирокида умумий қиймати 1,28 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳалар асосида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган заводлар қурилади. Натижада йилига 4,7 миллион тоннадан ортиқ чиқиндини ёқиш орқали 2,1 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, полигонлар сони беш баробарга қисқаради. 97 млн АҚШ доллари қийматидаги электр энергияси сотилади. Шунингдек, булар орқали 152 миллион метр куб табиий газ иқтисод қилинади ҳамда 2,4 миллион тонна иссиқхона газлари камади. 1 200 та янги иш ўрни яратилади.

Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги маълумотларига кўра, маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ва маҳсулот ишлаб чиқарилган 8 та завод қурилиши 2025 йил январдан бошланиб, 2026 йил декабрда ишга туширилиши режалаштирилган. Бу борада Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Энергетика вазирлиги ҳамда Хитой, БАА ва Жанубий Кореянинг жами 6 та йирик компанияси ўртасида қўшма ривожлантириш шартномалари имзоланган.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз умумий энергетик балансида қаттиқ маиший чиқиндилардан олинган электр энергиясидан самарали фойдаланиш ишлаб чиқариш мажмуалари ҳамда аҳолини барқарор энергия билан таъминлашга, чиқинди билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга, экологик мувозанатни сақлашга хизмат қилади.

Бахтиёр ПЎЛАТОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
депутати

режалаштирилган.

Маълумки, “яшил” энергетика нафақат ижтимоий-иқтисодий ривожланишда, балки иқлим ўзгаришини юмшатиш, экологик муаммоларнинг олдини олишда ҳам муҳим омили ҳисобланади. Шу ўринда кўпчиликни ташвишлантириб келаётган чиқиндилар ҳақида тўхталиб ўтсак, қаттиқ маиший чиқиндидан электр энергияси олиш лойиҳаларини амалга ошириш орқали атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга, мавжуд энергия тақчиллигига барҳам беришга эришилади ва бу муаммонинг энг мақбул ечимларидан бири саналади.

Одатда, чет элга тижорат, сайру саёҳат ёки хизмат вазифаси юзасидан бориб, қайтган таниш-билишларимиз билан суҳбатлашиб қолсак, улар хориждаги шаҳар кўчалари тоза ва озодлиги, ҳаттоки ерда ётган бир дона сигарет қолдиғи учрамаслигини айтишади. Айтгани яхши, билиб қўйсак, фойдалан холи бўлмайди. Шуниси аниқки, хориждаги шаҳар кўчаларини четдан кимдир бориб саранжом-саришта қилиб бермаган, бермайди ҳам. Тозалик борасида аҳолисининг маданияти юқори, мамлакатда чиқинди бўйича қонун-қоидалар мукамал ишлаб чиқилган, амалдаги назорат ҳам шунга яраша қатъий экан, бунинг учун, энг аввало, уларнинг ўзлари ҳаракат қилишган, камчиликларини бартараф этиш учун жон қийинлашган, бир-бирига ўрнатилган бўлишган. Нега биз шу оддий ҳақиқатни тилга олишни истамаймиз? Чунки тилга олгудек бўлсак, кўчадаги фаррошлар, тозалар масъул ташкилот билан бир қаторда, чиқинди масаласида бизнинг ҳам зиммамизга қисман масъулият юклангани аён бўлади-қолади.

Яқин ўтмишдаги бир ҳолатни ҳечам унутиб бўлмайди: шаҳар аҳолиси маиший чиқиндиларни ташлаши учун белгиланган маҳсус жойлар хароб аҳволда эди, ҳеч бир ташкилот томонидан назорат қилмагани боис кемирувчиларнинг уясига айланиб, темир қутиларга ирғитилган чиқиндилар усма-уст аралашиб, бижғиб ётарди, тева-ракка бадбўй ҳид таратганидан унинг яқинига ҳам йўлаб бўлмасди.

Хўш, бу муаммо қандай ҳал этилди? Намунавий лойиҳалар асосида чиқинди тўплаш пунктлари ташкил қилинди, чиқиндиларни турига қараб ажратиш ташлаш учун алоҳида-алоҳида контейнерлар ўрнатилди. Назорат қилиб борадиган ишчи-ходим ҳам қўйилди. Натижада ижобий ўзгариш рўй берди. Чиқиндихоналар сарамжон-саришта ҳолатга келтирилди.

Бугунги кунда йирик шаҳарлар атрофидаги чиқинди полигонлари энергия потенциалидан унумли фойдаланиш мақсадида қатор лойиҳалар амалга оширилиб, электр энергияси олинаётган

Барчамизга аёнки, глобал иқлим ўзгариши, углеводород хомашёси захираларининг камайиши бутун дунёда муқобил энергетикани ривожлантириш чораларини кўришни талаб этмоқда. Бу йўналишда 170 дан ортиқ давлатлар маҳсус қонунлар ёки соҳа оид миллий стратегияларини қабул қилгани, энергетика тизимида қайта тикланувчи энергетика салмоғини кескин оширишни режалаштирилгани бежиз эмас. Чунки самарадорлиги паст ва харажатлари юқори бўлган, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиб, кўп ресурс талаб этадиган, анъанавий йўл билан олинган электр энергиясидан “яшил энергетика”га ўтиш ҳар бир давлатнинг тараккиёти барқарорлигини таъминлайди, десак, муболаға бўлмайди.

Қайта тикланувчи энергетика соҳасининг ривожланиш таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бундай манбалар мамлакатларнинг географик жойлашуви, табиий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда танланган. Хусусан, Исландия геотермик, Италия, Испания куёш, Дания, Нидерландия ва Германия шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича Европада етакчилик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майда “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”га қонуни қабул қилиниб, соҳа ривожига кенг йўл очиб берилди. Юртимиз бу борада катта салоҳиятга эга: бир йилда куёшли кунлар 300 кундан ортиқ, шамол эсувчи ҳудудлар, микро-ГЭСлар ташкил қилиш учун тоғ дарёлари мавжуд бўлиб, “яшил” энергетика соҳасида дадил қадамлар ташланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 13 декабр куни бўлиб ўтган энергетика соҳасида янги қувватларни ишга тушириш ва навбатдаги лойиҳалар қурилишига старт бериш маросимида кейинги саккиз йилда Ўзбекистон “яшил” энергетика ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишда кўзга кўринарли ютуқларга эришганини алоҳида таъкидлади. Бу соҳада бугунга келиб 3,5 минг мегаваттлик ёки 10 миллиард киловатт-соатга тенг 16 та йирик куёш ва шамол электр қувватлари ишга туширилгани, шунинг ҳисобига 2024 йилда “яшил” энергия улуши 16 фоиздан оширилгани эътирофга моликдир.

Мамлакатимизда 2030 йилга қадар яна 19 минг мегаватт “яшил қувват”ларни барпо этиб, қайта тикланувчи энергия улушини 54 фоизга етказиш





**Жорий йилнинг 27 ноябрь – 3 декабрь кунлари Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдухолиқов бошчилигидаги делегация таркибида Буюк Британиядаги қатор музейлар, кутубхоналар, тадқиқот марказлари ва бошқа маърифий масканларда бўлиб қайтдик.**

Дастлаб Лондондаги қадимий қўлзма ва тошбосма асарларни тадқиқ этиш ҳамда каталоглаштиришга ихтисослашган “Ал-Фурқон” фондида ўтказилган давра суҳбатида фонд раиси Сали Шахсивари иштирокида ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича музокаралар олиб борилди. С.Шахсивари жорий йилнинг 23-26 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган “Буюк аждодлар мероси – Учинчи Ренессанс асоси” халқаро конгрессида буюк ватандошимиз Қафқол Шошийнинг фикрча оид “Маҳосин аш-шариа” қўлзмасининг дунё фондларидаги нусхаларини ўрганиш бўйича лойиҳасини тақдим этганди.

Давра суҳбатида Янги Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар, илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик натижалари сарҳисоб қилинди. “Ал-Фурқон” фонди билан Ўзбекистондаги илмий-тадқиқот марказлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан қатор таклифлар билдирилди. Шу кунни Лондон шаҳридаги йирик аукцион марказларида бўлдиқ. Ушбу савдо уйларида Ўзбекистон маданий меросига оид кўплаб осори атиқалар ҳам савдога чиқарилади. Кимошди савдосида сотилган юзлаб нодир экспонатлар дунёнинг турли ҳудудларидан келган харидорларга сотилади. Шу боис, ушбу йирик савдо ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик маълум маънода мамлакатимизга оид тарихий ашёлар, қўлзмалар ва экспонатларни Ўзбекистонга қайтаришда катта ўрин тутади.

Лондондаги “Кристис” аукцион савдо уйига 1766 йилда англиялик коллекционер Жеймс Кристи томонидан асос солинган. Париж, Милан, Москва, Нью-Йорк сингари йирик шаҳарларда мазкур аукцион уйининг ваколатхоналари бор. Осори-атиқалар кимошди савдоси билан шуғулланадиган бу компания ҳар йили 80 дан ортиқ категорияда 350 дан зиёд савдолар ўтказилади.

Ташриф давомида аукцион уйида сақланаётган айрим қўлзмалар билан танишдик. Улардан бири шарқ мумтоз адабиёти вакили Хожу Кирмоний томонидан 1524 йилда кўчирилган “Хамса” асарининг қўлзмаси, яна бири Шамсиддин

Мухаммад Ассор томонидан 1494 йилда Табризда кўчирилган “Шамс ва Муштарий” достонидир. Ҳар иккала қўлзма темурийлар даври китобат санъати таъсирида яратилган.

“Сотбис” аукцион савдо уйи ҳам шу йўналишда фаолият кўрсатувчи энг йирик савдо ташкилоти саналади. Мазкур савдо уйига Лондонда 1744 йилда китоб савдогари Самюэль Бейкер томонидан асос солинган. Айни пайтда дунёнинг 10 дан ортиқ мамлакатларида ўз филиал-

бати билан ўтказилган шарқшунос олимлар конференциясида Ўзбекистон хайъати вакиллари ҳам таклиф этилди. Унда қатор Шарқ қўлзмалари хусусида сўз юритилиб, уларнинг Ўзбекистон маданий меросига ҳам алоқадорлиги алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон делегацияси Лондондаги Виктория ва Альберт музейидаги нодир экспонатлар билан ҳам танишди. Музейнинг Марказий Осиё ва Эрон бўлими куратори Фуксия Харт меҳмонларни Шарқ

атласи” лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. Лойиҳада ҳар бир тарихий ҳудуднинг Ислом оламида тутган ўрни, яратилган кашфиётлар, олимларнинг ҳаёти ва фаолияти, мусулмон цивилизациясининг дунё илм-фанидаги ўрни сингари масалалар кўзда тутилади. Ўзбекистонлик меҳмонлар ҳам ушбу лойиҳада иштирок этиш бўйича таклифлар беришди.

Сафар доирасида Оксфорд шаҳридаги Бодлеан кутубхонасида бўлиб, бу ерда сақланаётган, Ўзбекис-



## Маданий меросимизнинг Европадаги акс-садоси

ларига эга бўлган ушбу компаниянинг бош офиси Нью-Йоркда жойлашган. Аукцион савдо уйининг ўртача йиллик савдо айланмаси 5 млрд. долларни ташкил қилади.

“Сотбис” аукцион савдо уйининг Лондондаги офиси ходимлари Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази вакилларига айни пайтда савдо уйи ихтиёрида бўлган, Марказий Осиё маданий меросига оид осори-атиқалар ҳақида маълумот беришди. Жумладан, ўзбекистонлик меҳмонларга савдо уйида сақланаётган VIII асрга мансуб сугдийлар либоси, сомонийлар даврига тегишли бўлган сопол идишлар, қадимий биноларга оид кошинлар, мамлуклар ва темурийлар даврида кўчирилгани тахмин қилинган Куръони карим қўлзмалари ҳақида тўхталиб ўтишди.

Лондондан 70 чақирим масофада жойлашган Кембриж шаҳарчаси нафақат мамлакат, балки Европа тарихи ва маданий ҳаётида муҳим ўрин ўрин тутади. Бу ерда дунёнинг энг қадимий ва йирик университетларидан бири жойлашган. Айни пайтда бу ерда кўпгина олимлар томонидан Ўзбекистон маданий мероси тадқиқ қилинади. Кембриж тўпламларида юртимиз тарихига оид қатор экспонатлар сақланади.

Мазкур университетнинг Пемброк коллежида Кембриж университети Шарқ тадқиқотлари марказининг 10 йиллиги муноса-

амалий санъатига оид тарихий осори атиқалар билан таништирди. Қадимий гиламлар, меъморчилик намуналари, кошин парчалари, қабр тошлари, уй-рўзғор буюмлари бизда катта қизиқиш уйғотди.

Виктория ва Альберт музейида айни пайтда “Буюк мўғуллар даври санъати” (афсуски, ҳамон жаҳон илмий ҳамжамияти Бобурийларга нисбатан шу атамани қўллашда давом этмоқда) мавзусида кўрғазма бўлиб ўтмоқда. Кўрғазмада Заҳириддин Мухаммад Бобур ва унинг авлодлари – Акбар, Жаҳонгир Мирзо, Шоҳжаҳон, Аврангзеб сингари хукмдорлар даврига оид нодир экспонатлар намойиш қилинмоқда. Улар орасида “Бобурнома”, “Акбарнома” сингари тарихий асарлар, махсус мураққаъ альбомлар, улардан ўрин олган миниатюраларнинг асл нусхалари борлиги диққатга сазовор. Шунингдек, кўрғазмада бобурийлар даврида ишлатилган жанг қуроллари, заргарлик буюмлари, шоҳона ҳадялар, тарихий ҳужжатлар, халқ амалий санъатининг бетакрор намуналарини кўриш мумкин.

Лондондан 51 километр узоқликда жойлашган Оксфорд шаҳридаги учрашувлар ҳам жуда қизиқарли кечди. Тадбирда Ислом тадқиқотлари маркази вакиллари томонидан қатор хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган «Ислом дунёсининг ижтимоий ва илмий салоҳияти тарихи

тонга оид нодир қўлзмалар билан ҳам танишдик.

Алишер Навоийнинг ҳаётлиги даврида кўчирилган қўлзмалар кутубхонамиз фондининг нодир жавохирларидан саналади. Ҳазратнинг муборак нигоҳи тушган «Хамса» қўлзмасини яқиндан кўриш ҳар қандай ҳамюртимизни ҳаяжонга солади. Мирзо Улуғбекнинг бу ерда сақланаётган «Зижи Кўрагоний» асари нусхаси ҳам ўзига хос тарихга эга. Уни салкам тўрт аср илгари оксфордлик олим Жон Грейвс сотиб олган ва китоб хошиясида лотин тилида қайдлар киритган. Китоб саҳифаларида усмонли турк тилида ҳам битиклар учрайди. Кейинчалик Лондонда машҳур Гринвич Қироллик обсерваторияси қурилишида ҳам айнан шу асар асос бўлганини тахмин қилиш мумкин.

Жаҳонга машҳур Британия музейига саёҳат ҳам жуда қизиқарли кечди. Музейда айни пайтда Ўзбекистон маданияти ва санъатини ривожлантириш жамғармаси иштирокида ташкил қилинган «Буюк ипак йўли» кўрғазмаси бўлиб ўтмоқда. Кўрғазманинг Ўзбекистонга оид қисмида Самарқанд, Бухоро сингари тарихий шаҳарларга оид археологик топилмалар, тасвирий санъат асарлари, нодир қўлзмалар, турли музейлардан келтирилган нодир экспонатлар ўрин олган.

Буюк Британия музей ва кутубхоналари, илмий марказлари ва шахсий коллекцияларида чиндан ҳам жаҳон маданиятининг энг нодир дурдоналари, хусусан Ўзбекистон маданий меросига оид энг сара осори атиқалар жамланганига яна бир қарра амин бўлдиқ.

**Рустам ЖАББОРОВ,**  
Ислом цивилизацияси маркази илмий котиби



**Диёримиз азал-азалдан буюк алломалар, олиму фозиллар бешиги бўлган. Халқимиз ҳам илм аҳллари қадрлаган, ардоқлаган ва ҳар томонлама илмий меросга омонатдор бўлган, комил шахсларни тарбиялашда бутун дунёга намуна бўлиб келган. Бу муқаддас заминда илму урфон қарор топиб, ривожланган. Бухоро шаҳри “Куббатул ислом” (“Исломи динининг гумбази”), Самарқанд эса ер юзининг жилоси бўлган. Шунинг учун ҳам “Самарқанд сайқали рўйи замин аст, Бухоро қуббати исломи дин аст” деб бежизга айтишмаган. Абу Райҳон Беруний, Абу Наер Форобий, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Мансур Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғилоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби алломалар, қомусий олимлар шу юртда камол топиб, бутун дунёга илм-маърифат бобида устозлик қилганлар.**

## ВАТАН ТАРКИНИ БИР НАФАС АЙЛАМА...

Янги Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдевори яратилмоқда. Тарихга назар соладиган бўлсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган юртимиз қадимдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўраемиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёмалар, турли осори атикалар давлатчилик тарихимизнинг илдизлари уч минг йилликларга бориб тақалишидан дарак беради.

Бугун ёш авлод ҳам ўз аждодларига муносиб авлод сифатида учинчи ренессансни қуришга ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Бунинг учун илм ва тарбияни ўзлаштириб, юртимизни ҳар соҳада тараққий этишида камарбаста бўлиши зарур. Афсуски, шундай муҳим жараёнлар кечаётган бир вақтда баъзи ота-оналар ўз фарзандларини вояга етмасдан туриб, ўзга юртларга диний таълим олишга сафарбар қилмоқдалар. Ахир Имом Бухорийдек, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарийдек улуғ алломлар ҳам аввал ўз юртларида таҳсил олганлар. Ўз ватанларида илмни камолга етказганлар.

Манбаларда келишича, алломаларимиз илмга иштиёқлари баланд бўлганлиги боис, барча илмларни тез ва осон ўзлаштириб олганлар ва устозларидан ҳам ўзиб кетганлар. Шу боис, янги-янги илмларни ўзлаштириш ва керакли ахборотларни тўплаш мақсадида бошқа диёрларга ҳам сафар қилишган ва яна она ватанларига қайтиб келиб, илм тарқатишган. Лекин бугунги кунда ҳали ўз ақлини таниб улгурмаган, ҳеч қандай илмдан тўлиқ сабоқ олмаган болаларни диний таълим олиш учун хорижга юбориб, ватанидан, ўз диёрида фаолият олиб бораётган олимлар ва фозиллардан, ота-она меҳридан жудо қилиб нимага эришмоқчилар? Кўриниб турибдики, илмнинг одоби аввал ўз юртидаги таълимни ва таҳсилни олишликдадир. Лекин одобсизлик билан ўз юртидаги уламолардан илм ўрганмай, маслаҳат олмай, ўзга диёрларга интилиш, шахси номаълум бўлган ҳар қандай кимсани устоз деб билиш, юртимиздаги уламоларга нисбатан ҳам одобсизлик санала-

ди. Одобсизлик ила илм талабида бўлган инсоннинг жисмига, қалбига илм сингмайди.

Эътиборимизни яна бир муҳим масалага қаратайлик. Барча қомусий олимлар ҳаётига назар солсак, уларнинг биринчи устози отаси ва онаси ёки яқин қариндошлари бўлган. Дастлаб улар илмни ўз отасидан ёки онасидан олганлар. Сўнгра илмда пешқадам бўлган устозлардан таълим ва таҳсил олишни давом эттирганлар. Пайғамбар (с.а.в.) ҳадиси шарифда оталарнинг фарзандларига бера оладиган энг катта яхшиликлари ҳақида шундай дейдилар, “Кишининг ўз фарзандини чиройли одоб-ахлоқ билан тарбиялаши кўп миқдордаги нафл садақа беришидан яхшироқдир” (Термизий ривояти). Яна бир бошқа бир ҳадисда “Ота болага гўзал одобдан яхшироқ нарсани бера олмайди” (Термизий ривояти), дейилади.

Ушбу ҳадислардан ҳам кўриниб турибдики, таълим ва тарбияни фарзанд аввал ўз отаси ва оиласидан олиши керак. Оталар фарзандига гўзал одоб, таълим ва тарбия бериш билан бирга ҳар соҳада унга намуна бўлмоғи ҳам зарурдир. Демокчимизки, оталар таълимни, тарбияни фарзандига аввал ўзлари берсинлар. Таълим ва тарбия оила муҳитида шакллансагина юртимизда яна улуғ алломлар етишиб чиқаверади. Бизнинг диёримизда дастлаб оилалар тарбия институти вазифасини ўтаган. Мадрасалар, университетлар ташкил этилишидан олдин, таълим муассасаларининг вазифасини катта-катта оила муҳитида шаклланган мактаблар бажарган. Масалан, Насафда Муҳийлар оиласи, Бухорода Иёдийлар, Мозалар оиласи, Паздавийлар оиласи, Жузжонийлар оиласининг илм-маърифат тарқатишдаги фаолияти юқоридаги фикрларимизнинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон қахрамони, навоийшунос олима Суйима Ғаниева Алишер Навоийнинг васияти ҳақида сўзлаб шундай деган эди: “Навоийнинг сизга, бизга, ёшларга қилган васияти бор. “Садди Искандарий” асарининг охирида

*“Ватан тарқини бир нафас айлама,  
Янранжи зурбат ҳавас айлама”* деб

айтади. Ватанни тарқ этмагин, боргин, кўргин, ўқигин, ўргангин, ватанингни қайтиб келгин” дея сўзларига яқун ясайди муҳтарама олимаимиз. Даҳо сўз санъаткори, Темурийлар даври ренессансининг намоёндаларидан бири Алишер Навоий ҳам кўплаб илмларни ўзида мужассамлаштир-



ган бўлиб, бу улуғ зотнинг васияти ҳам илмга, маърифатга, тажрибага асослангандир.

Бугунги кунда диний таълим олиш, жумладан фарзандларини асосан Қуръон ёдлаш учун хориждаги мамлакатларга юбораётган ота-оналар илмнинг одобларига риоя қилмайдиларми? Юртимизда Ўзбекистон муслмонлари идорасининг Қуръон ва тажвидни ўргатиш бўлими ва унинг вилоятлар кесимида, Олий ва ўрта махсус диний таълим муассасалари, илмий мактаблар, тадқиқот марказлари, Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги курслари фаолият олиб бормоқда. Унга Ўзбекистон халқаро ислом академияси фахрий доктори, кироат илми устози Алижон қори Файзуллоҳ Маҳдум ўғли бошчилик қилмоқда. Шундай шароитлар яратилган бўлсада, хориж мамлакатларга ноқонуний равишда диний таълим олиш учун отланиш, ҳам мавжуд қонунчиликни менсимаслик, юртимиз уламоларини назар-писанд қилмаслик бўлиб қолади.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам Қуръонни 12 ёшида мукаммал ёд олган. Қуръон илмлари билан шуғулланган олимларни Самарқандга олиб келган. Жумладан, 1387 йили Шерозни ишғол қилгач, Сайид Шариф Журжонийни, хижрий 805 йили Румдан Самарқандда Имом Муҳаммад Жазарийни хурмат ва эҳтиром ила олиб келади. Айнан ушбу хайрли ишлари билан Қуръон илмларининг юртимизда тараққий этишига ҳам улкан замин яратади. Айримлар эса “тўқликка шўхлик” қабилида иш тутиб аждодларимиз қилган хайрли ишларнинг тескарисини қилмоқдалар.

Бундан ташқари ёшларимизни ўз яқинлари томонидан диний таълим олиш учун ноқонуний равишда хорижга юборилиши катта-катта муаммоларга ҳам сабаб бўлмоқда ва унинг хавфи юқори даражада. Биринчидан, хорижга юборилганлар мазҳабсиз, турли диний оқимларга мансуб шахсларнинг қўлида таълим олмақда. Натижада соф ислом эътиқодидан адашиб, ҳатто ўз ота-онасини ҳам туғилишига бир сабабчи сифатида таниб, ватанидаги

уламоларни ҳақоратлаш каби гуноҳ ишларга қўл урмоқда. Ёки, баъзи китобларни ўқиб олиб, йўл-йўлакай фатво беришгача бормоқда. Бу каби “диндорлар”, “илм аҳллари” аслида олимнинг душмани эмасми?

Хорижда ноқонуний равишда таълим олаётганлар на Абу Ҳанифани, на Имом Мотуридийни хурмат қиладилар. Барчасини адашганликда айблаб, ҳатто ватандошларини тақфирда айбламолар. Аслида “хужра” араб тилидан олинган сўз бўлиб, “хона” маъносини англатади. Ўз даврида хужралар мадраса вазифасини ўтаган. Аммо ҳозирги кунда ташкил этилган хужралар на қонунчилик, на шарият талабларига мувофиқ келади.

Динимизда илм ўргатувчининг ҳам, ўрганувчининг ҳам одоблари бор. Илм ўргатувчининг нияти холис бўлиши, илмни эканини даъво қилмаслиги, “билмайман” деб кўп айтиши, ёш, насаб ва мансаб жиҳатдан ўзидан паст инсондан бўлсада билмаганларини ўрганишни ор санамаслиги, илмни муҳофаза қилиши, илмнинг омонатига вафо қилиши, кўп кулгу ва ҳазиломуз ишлардан тийилиши, ўзига раво кўрагини шогирдига ҳам илиниб, ёмон кўрганларини унга ҳам раво кўрмаслиги, шогирд ҳаққига кўп дуо қилиши ва уни қарғамаслиги, шогирдига илм талаб қилиши учун рағбат уйғотиши ва бошқа кўплаб одобларга амал қилувчи бўлиши керак. Илм олиш одобларига ҳам эҳтиёж сезилгач бу борада ҳам китоблар таълиф этилди. Масалан, Бурҳониддин Зарнужийнинг “Талим ал-мутаалим” асари ҳам илм ўрганувчилар ўқиши зарур бўлган асарлардандир. Юртимиздаги диний таълим муассасаларида бу асар дастлаб ўқитилиб, кейин бошқа илмлар ўргатилади. Шунинг учун ҳам диёримизда диний ва дунёвий илмларни ўзлаштираётган талабалар илмнинг одоби, зийнати билан бирга ўрганиб келмоқдалар.

Бугун мамлакатимизда мактаб таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди. Иқтидорли болалар ўзларини намоён қила олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилиб, Президент мактаблари, махсус иқтидорли болалар мактаблари, ижод мактаблари ва “Темурбеклар мактаби” ташкил этилди. Ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига ҳар томонлама кўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг асосий устувор йўналишлари сифатида қаралмоқда.

**Илҳом БЕКМИРЗАЕВ,  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Ижтимоий фанлар ва ҳуқуқ” кафедраси профессори**




Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг “Ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишга, ташаббуслари ва замонавий ғояларини илгари суришга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш” гранти асосида тайёрланди.





**Яқинлашиб келаётган  
Янги — 2025 йил  
жонажон Ватанимиз  
учун янада юксалиш  
ва тараққиёт йили  
сифатида муҳрлансин.  
Ҳар бир хонадонга  
барака кирсин,  
ҳар бир маҳалла  
гуллаб-яшнасин.  
Мамлакатимизда олиб  
борилаётган ислоҳотлар  
бардавом бўлсин!**

**“Олмалиқ кон-металлургия комбинати”  
акциядорлик жамияти ходимлари  
Касаба уюшмаси Кенгаши**





**Тарихий хотира – ҳар бир халқнинг ўтмишдаги оғир воқеалар, зулмлар ва қийинчиликларни хотирлайдиган, миллий онгни шакллантирувчи муҳим асосдир. Ўзбекистон тарихида бу хотира, айниқса, сиёсий репрессиялар ва қатағонларнинг қурбонлари, жумладан, прокуратура органлари ходимларининг фожиали тақдирлари билан чамбарчас боғлиқдир.**

борки, уларнинг айблари учун далил бўлмаса ҳам, айбланувчи томонидан тан олинмаса ҳам жазо қўлланилган. Прокурорларнинг хотирасини ёд этиш ва бугунги кунда уларнинг соҳавий самарадорлик учун амалга оширган ислохотларини кадрлаш мақсадида «Тарихий хотира бекиёс» номли икки қисмдан иборат китоб нашр

нафақат тарихий хотира сифатида сақланади, балки ҳозирги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг ишончилигини оширишга, янги авлод учун адолатни таъминлашга хизмат қилади.

Айниқса, 2017 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3387-сонли қарори, прокуратура тизимини модернизация қилишга қаратилган янги ёндашувларни жорий этишда катта аҳамият касб этди. Бу қарор прокуратура органларининг ички хавфсизлигини таъминлаш, ходимларнинг ахборот-таҳлил фаолиятини кучайтириш ва замонавий технологияларни жорий қилиш орқали жиноятчиликка қарши курашда янги босқични бошлаб берди. Шу билан бирга, бу ислохотлар прокурорларнинг олдинги тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашни янада самарали қилади.

Прокурорларнинг тарихий хотираси, айниқса, миллий ҳукумат тузилмаларининг ўзгаришлари ва уларда амалга оширилган ислохотларни ўз ичига олади. Бу, ўз навбатида, прокурорларнинг ҳуқуқий таълимини яхшилаш, уларнинг профессионал малакасини ошириш, ва жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш учун катта аҳамиятга эга. Бу соҳадаги янгиликлар, хусусан, прокурорларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ошириш ва янги қонунлар билан узвий боғлиқлигини англашди.

Шунингдек, тарихий хотира орқали ўтмишда юзага келган адолатсизликларни ёдга олиш, улар асосида янги кадрларни шакллантириш имконини беради. Прокуратура тизимининг тарихини ўрганиш, унинг ажралмас қисмига айланган синовлардан, нафақат ўтган даврларнинг хатоларини тўзатиш, балки жамиятда энг юқори аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий тузилмани янгилаш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шу билан бирга, прокуратура органларининг бугунги фаолияти фақатгина ўтмишдаги хатоларни тўғрилашга қаратилмаган. Аксинча, улар замонавий ҳуқуқий муҳитда самарали ишлашни давом эттириб, ҳуқуқ ва адолатни ҳимоя қилиш йўлида янги ёндашувларни ўрганиб, амалиётга тадбиқ этишмоқда. Бу эса, тарихий хотира асосида жамиятда адолатни таъминлаш, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш ва прокуратура тизимининг ишини янада такомиллаштиришга ёрдам беради.

**Жасмина РЎЗИЕВА,**  
Тошкент давлат юридик университети Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик факультети 2-курс талабаси

## ТАРИХИЙ ХОТИРА САБОҒИ



этилди ва у ўз ичига саккиз нафар қатағон қурбони бўлган прокурорларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотларни қамраб олади.

Жумладан, 1896-1937 йилларда яшаб ўтган Исоқжон Ғозиев соҳа фаолиятини яхшилаш мақсадида иш режаларини таъсис этган. Шунингдек, тарихда ўзининг шижоати ва нафақат ҳуқуқий билимлари, балки таржимонлик фаолияти билан машҳур Мирзо Қўқонбой Абдуҳолиқзоданинг ҳам ҳаёти

Тарихий хотира халқнинг ўтмишдаги азоблари, қийинчиликлари ва юксалишларини эслаб, улардан сабоқ олиш орқали миллий онгни шакллантиради. У халқнинг руҳий кучини, ўзлигига бўлган ишончини ва умидларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Тарихий хотира, айниқса, халқнинг урф-одатларини, кадриятларини, маданиятини англашда бекиёс аҳамиятга эга. Ўзбек халқининг тарихида бу хотира қатағон қурбонлари ва уларнинг фожиали тақдирлари билан ажралиб туради. Ўтмишда юз берган сиёсий репрессиялар ва зулмлар миллий бирликни сақлаш йўлида катта тўсиқларни келтириб чиқарди.

1930-1940-йиллар Ўзбекистон тарихида машаққатли давр бўлиб, бу даврда юзлаб инсонлар ўз фикр ва қарашлари туфайли қатағон қилинган. Уларнинг орасида илм-фан, адабиёт, санъат ва сиёсат соҳасида фаол бўлганлар бор эди. Уларга нисбатан амалга оширилган зулмлар, ноҳақликлар ва қийноқлар тарихда аччиқ из қолдирди. Қатағон қурбонларининг тақдири халқнинг оғир тақдиридир. Ушбу инсонларнинг ҳаёти, мақсадлари ва орзулари уларнинг халқ учун қилган хизматлари ва фожиали тақдирлари орқали тарихий хотирага айланиб, бугунги кунда ҳам миллий бирлигимизни мустаҳкамлашга

хизмат қилмоқда. Бу фожиалар ўтмишдаги зулмлар, репрессияларни ёдга олиш орқали келажакни куришда, эркин ва адолатли жамиятни шакллантиришда бекиёс аҳамиятга эга.

Қатағон қурбонлари орасида ўз даврининг етук мутахассислари бўлган прокуратура соҳаси

**Қатағон қурбонларининг тақдири халқнинг оғир тақдиридир. Ушбу инсонларнинг ҳаёти, мақсадлари ва орзулари уларнинг халқ учун қилган хизматлари ва фожиали тақдирлари орқали тарихий хотирага айланиб, бугунги кунда ҳам миллий бирлигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.**

вакиллари ҳам бор эди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Йўлдошев ташаббуси билан тарих эшикларини очилди ва бир юз эллиқдан зиёд прокурорларнинг маълумотлари топилди. Улар фаолият юритган давр 1917-1940 йилларга тўғри келади ва айтиш мумкин бўлган зулм салтанатининг қонли найзаси – НКВД, яъни СССР ички ишлар халқ комиссарлиги томонидан кўплаб жадидлар ва миллий онгни уйғотмоқчи бўлган прокуратура соҳа вакиллари «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ҳаракати аъзоси сифатида айбланиб, сургун қилинган ёки отиб ташланган. Биз билмаган шундай прокурорлар

ҳақида маълумотлар қайд этилган. Қатағон қурбони бўлган прокурорларнинг барчасини, уларни қандай қисмат кутиб турганини била туриб миллат умиди учун курашиши ва эзгулик фазилатлари бирлаштириб турган.

Прокуратура органларининг тарихий хотираси фақатгина ўтмишдаги фожиалар ва зулмлар ҳақида эслатма сифатида қолмаслиги керак. Аксинча, бу хотира бугунги кунда прокурорларнинг фаолиятини янада самарали қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилиши лозим. Ўтмишдаги репрессиялар, айниқса, прокуратура соҳасидаги қатағонлар,



# МЕҲР ВА САХОВАТНИНГ САВОБИ

**Ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу байтларини барчамиз яхши биламиз:**

*Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,  
Онча борким, каъба вайрон бўлса, обод айлағай.*

**Дарҳақиқат, қалби кемтик, ўзи мурувват ва бошқалар меҳрига муштоқ кишининг дилини шод этиш ҳар қандай эзгуликдан ҳам устун туради. Энг муҳими, халқимизга хос фазилатлар — одамийлик, яхшилик, силайи раҳм давлат сиёсати даражасига кўтарилгани эса янада қувонарлидир.**

Яқин тарихни эслайлик, жамиятимизда имконияти чекланган кишиларга давлат идоралари, давлат хизматчиларининг муносабати аянчли ҳолатда эди. Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги, эҳтиёжманд оилалардаги муҳитни, кайфиятни яхши билиши натижасида юқорида келтирилган ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалалар бўйича ҳам бутунлай янги тизим яратилди. Хусусан, кам таъминланган оилаларга нафақа белгилаш асослари аниқ қилиб кўйилди. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими ишга туширилиб, кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш бошланди. Очқиклик, тенглик, адолат тамойилларига қатъий амал қилиш вазифаси белгиланди.

“Имконияти чекланган кишилар” деган тушунча давлат ва жамиятнинг ногиронларга бўлган тор, бир ёклама муносабатини ифодалаб келган бўлса, янги ислохотлар даврида, аввало, қонунчилик ўзгариб, “ногиронлиги бўлган шахслар” деган тушунча юзага келди. Шу асосда давлат ва жамият ногиронларга имконияти чекланганлар, деб эмас, балки шахс сифатида муносабатда бўлишга ўтди. Бу муносабат унинг ҳуқуқлари тан олингани ва рўёбга чиқиши учун имконият яратилаётганини англатади.

Мана шу учта мисол мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя масаласига муносабат, эътибор ва масъулият тубдан ўзгаргани, муаммоларни яшириш эмас, балки ҳал қилиш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жиҳатдан изчил чоралар кўрилатганининг исботидир.

Ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлиги ва манзиллилигини ошириш орқали ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасигача ташкил этиш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаси янги

босқичга олиб чиқилиб, ягона марказлашган тизим сифатида шакллантирилди.

Республиканинг 208 та туман (шаҳар)ларида “Инсон” марказлари ва ҳар бир маҳаллада ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга кўйилди. Маҳалла даражасида 12 тоифадаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга 100 дан ортиқ ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизими яратилди. Ногиронлиги бўлган шахсларга кўмаклашиш, жамиятга интеграция қилиш, сифатли протез-ортопедия ва реабилитация воситалари билан таъминлаш тизими такомиллаштирилди. Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари турларини 18 тадан 30 тага, қоплаб бериладиган маблағлар миқдори ўртача 10 бараваргача оширилди.

Бунда муҳтож шахсларга ваучердан (давлат томонидан қоплаб бериладиган маблағдан) фойдаланган ҳолда электрон тижорат («ПОМ Маркет» платформаси ва «Узум маркет») орқали тегишли протез мосламаси ёки реабилитация воситасини ўз танловига кўра бевосита ўзи, қонуний вакили ёки ижтимоий ходимлар кўмагида харид қилиш имкони яратилди. Ногиронлиги бўлган шахсларга кўмаклашиш, жамиятга интеграция қилиш, сифатли протез-ортопедия ва реабилитация воситалари билан таъминлаш тизими такомиллаштирилди. Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари турларини 18 тадан 30 тага, қоплаб бериладиган маблағлар миқдори ўртача 10 бараваргача оширилди. Энг муҳими – инсонларга зарур воситаларни электрон тарзда ўзлари танлаб олиш имконияти яратилди.

Бунда муҳтож шахсларга ваучердан (давлат томонидан қоплаб бериладиган маблағдан) фойдаланган ҳолда электрон тижорат («ПОМ Маркет»

платформаси ва «Узум маркет») орқали тегишли протез мосламаси ёки реабилитация воситасини ўз танловига кўра бевосита ўзи, қонуний вакили ёки ижтимоий ходимлар кўмагида харид қилиш имкони яратилди. 66 та ихтисослаштирилган мактабгача ва мактаб таълим ташкилотларида ногиронликнинг оғир турларига эга бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” гуруҳлари ташкил этилди. Мазкур гуруҳларга 500 дан ортиқ оғир турдаги ногиронлиги бўлган болалар йўналтирилган.

2021 йилдан ҳозирга қадар 2481 та етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат томонидан уй-жойлар билан таъминланди (418 млрд 988 млн сўм маблағлар сарф этилган). Жорий йилда шу мақсадда давлат бюджетидан 140 млрд сўм, Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармасидан эса 42 млрд сўм, жами 182 млрд сўм маблағлар ажратилди, ўтган

Тазйиқ ва зўравонликка учраган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш амалиёти тубдан ўзгартирилди. Тазйиқка учраганларга уч босқичли “маҳалла-туман-вилоят” тамойили асосида комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизим жорий қилинди. Эндиликда, тазйиқ ҳолати доимий ўрганилиб, кузатиб борилади, ҳимоя орде-ри талаб қилмасдан ижтимоий хизматлар кўрсатилади, ариза талаб этмаган ҳолда бошпана ва чуқур реабилитация қилиш учун психологик ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатилади.

2024 йил 1 майдан бошлаб реестрга киритилган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ҳар ойлик уй-жой коммунал хизматларга тўлаш бўйича компенсация ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва шахсий гигиена товарлари учун ҳар ойда кўшимча пул тўловлари ўрнига ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун 648 минг сўмлик моддий ёрдам жорий этилди.

Ижтимоий ҳимоя жамиятда боқимандаликни оширади, деган нотўғри қарашлар ҳам бор. Лекин ривожланган давлатлар тажрибаси бунинг аксини исботлаган. Яъни ижтимоий ҳимоя манзилли, мақсадли бўлса, жамиятда фаоллик, ишонч, барқарорлик кучаяди. Давлатимиз раҳбари тасдиқлаган стратегияда кўйилган мақсадлар айнан ижтимоий ҳимоянинг манзиллилигига қаратилган.

Асосий мақсад эса энг паст даражадаги заиф гуруҳлар эҳтиёжларини аниқлаш орқали ижтимоий нафақа ва хизматларнинг ягона комплекс тизимини яратишдир. Бусиз ижтимоий ёрдамни тақсимлашда, уни олувчи шахслар қамровини кенгайтиришда ва уларни камбағалликдан олиб чиқишда самарадорликка эришиб бўлмайди.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ





(Боши 1-саҳифада)

## МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

рингиз”, “Меҳнат муносабатлари муҳокамаси”, “Yuristkadrl” гуруҳларида меҳнат соҳасида ҳуқуқий маслаҳат ва ёрдам бериш тизими йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясининг 12-мақсадида ҳам ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклларида қўллаб-қувватлаш ҳажмининг икки баробарга ошириш белгиланган. Шунингдек, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси 27-мақсадида мамлакатда 2030 йилгача бўлган давр оралиғида камбағаллик даражасини қисқартириш, ушбу соҳага ижтимоий шерикликни жалб қилган ҳолда 500 минг нафар малакали мутахассислар тайёрлаш устувор вазифа сифатида алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 18 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлисида “...фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотни кучайтириш мақсадида ҳар бир қўмита қошида уларнинг вакиллари билан иборат жамоатчилик кенгашларини тузиш” бўйича парламентга қўйилган вазифа ҳозирда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш муҳим эканлигидан далолат беради.

Республикадаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича алоҳида бўлим мавжуд. Унга кўра, меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик “...ўз вакиллари тимсолида ходимлар, иш берувчилар, уларнинг вакиллари, давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими бўлиб, бу тизим якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ҳамда улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш масалалари юзасидан ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларини мувофиқлаштиришни таъминлашга қаратилганлиги” белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”-ги Қонунида меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликка алоҳида боб ажратилган бўлиб, унда меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари,

тарафлари ва шакллари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликда ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар фаолияти белгилаб берилган.

Ўз навбатида, уюшма томонидан 2023 йилда ва 2024 йилнинг январь-май ойларида 4 минг 17 нафар меҳнатқашларнинг ҳуқуқлари тикланиб, ходимлар фойдасига 29 млрд 713 млн сўмдан ортиқ зарар пуллари ундириб берилган. Шу жумладан, ғайриқонуний равишда ишдан бўшатилган ходимлар аввалги лавозимига тикланиб, мажбурий ишдан четлатилганлик (прогул) вақти учун жами 789 млн 119 минг сўм ҳақ ундириб берилган. Бироқ меҳнат ҳуқуқларини тиклашда жаммо шартномалари ва келишувлари, қўшма қарорлар, локал ҳужжатлар, касаба уюшмалари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа ҳужжатларни тузиш ва татбиқ этиш лозим бўлади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳужжатларида ушбу тамойил “ижтимоий мулоқот” деб номланган ва давлат, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги уч тарафлама ҳамкорлик асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Ҳар бир поғонадаги ижтимоий шерикликнинг ўзига хос ҳужжати мавжуд бўлиб, булар куйидагилар:

- Бош келишувлар;
- Тармоқ келишувлари;
- Ҳудудий келишувлар;
- Жаммо шартномалари ҳисобланади.

Касаба уюшмалари ва иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари (иттифоқлари, уюшмалари), давлат органлари ўртасидаги ижтимоий шериклик тенг ҳуқуқлилик, вакилларнинг ваколатлилиги, тарафларнинг манфаатларини ҳурмат қилиш ва ҳисобга олиш, мажбуриятларни қабул қилишнинг ихтиёрийлиги принциплари асосида қурилади.

Қайд этиш жоизки, 2022 йилги Меҳнат ҳуқуқлари индексида Ўзбекистон дунё давлатлари орасида “меҳнат муносабатларини тартибга солиш” кўрсаткичи бўйича 73,5 балл (100 баллик тизимда) билан ўртача давлатлар қаторидан жой олган.

Маълумот учун: ушбу рейтинг учта кўрсаткич – Касаба уюшмаларининг ўрни (0 балл), адолатли меҳнат тизими (40 балл) ҳамда муносиб иш ҳақи (60 балл) бўйича баҳоланган.

Эътиборлиси, ушбу рейтингда мамлакатнинг ўрнини яхшилашда касаба уюшмалари ҳамда меҳнат соҳасидаги фуқаролик жамиятлари институтлари фаолияти билан

боғлиқ статистик маълумотларнинг яхшиланиши, Ўзбекистоннинг келгусида эълон қилинадиган рейтинглардаги ўрнини янада яхшилаш имконини беради.

Жумладан, Халқаро Меҳнат ташкилотининг “Ўзбекистон Республикаси учун муносиб меҳнат дастури 2021-2025” ҳисоботида ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ягона орган сифатида Касаба уюшмалари федерацияси фаолиятини халқаро меҳнат стандартларига мослаштириш, бунда ижтимоий мулоқотни ривожлантириш, Касаба уюшмалари фаолиятини соддалаштириш ва ваколатларини ошириш таклиф қилинган. Бу тизимнинг тўғри йўлга қўйилиши ишчи-ходимлар меҳнат жараёнларида ўз ҳуқуқ ва имкониятларидан муносиб равишда фойдаланишини кафолатлайди. Қолаверса, мамлакатнинг халқаро нуфузини оширади. Республикада олиб борилаётган меҳнат муносабатларидаги ижтимоий шерикликни ривожланиш бўйича давлат сиёсатини янги йўналишларини танлаб олиб, мавжудларини жадаллаштириш мақсадида халқаро тажрибага мурожаат қилиш талаб этилади.

Халқаро тажрибага назар ташласак, аввало яқин кўшни давлат – Қозоғистонда ишчи-ходимларнинг ижтимоий, меҳнат ҳуқуқлари ҳамда касбий манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича меҳнат жаммоаларида (ташкilotларда) доимий равишда ўқув курслари ташкил этиб борилади. Бу эса ўз навбатида ташкilotлардаги ишчиларнинг, хусусан иш фаолияти бошланганига кўп бўлмаган ходимларнинг меҳнат компетенциялари ошишига хизмат қилади.

Сингапурда меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикликнинг аҳамиятини ошириш учун академик журналлар, газеталар, статистик маълумотлар, дарсликлар ва интернет кидирувларида бу борада материаллар жойлаб бориш тизими йўлга қўйилган. Бу орқали ходимлар учун меҳнат соҳасидаги янгилик, имтиёз, мажбурият ҳамда ижтимоий шериклик муносабатларидан доимий равишда хабардор бўлиш тизими йўлга қўйилган. Бу тизимнинг ташкilotчилари сифатида давлат, касаба уюшмалари ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтлари қайд этилган.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий шериклик меҳнат соҳасининг асосий томонлари бўлган ходим ва иш берувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг таъминланиши иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

**Сухробжон УЗОҚОВ,**  
Демократик жараёнларни  
таҳлил қилиш маркази  
Тошкент шаҳар ҳудудий  
бўлинмаси масъул ходими



## Бўка тумани йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси

*барча юртдошларимизни кириб келаётган  
янги йил байрами билан самимий табриклайди.  
Юртимиз тинч, халқимиз фаровон, йўлларимиз эса  
ҳамиша равон ва ёруғ бўлсин!*

*Янги 2025-йил хонадонларга қут-барака,  
тўкин-сочинлик олиб келсин.*

*Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!*

**Бўка тумани йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси.**



## Олмалиқ шаҳридаги Ипак йўли инновациялар университети

**барча ватандошларимизни, тинчликсевар халқимизни  
тобора яқинлашиб келаётган Янги — 2025 йил билан  
қизғин ва самимий табриклайди.**

**Кириб келаётган йил ҳар бирингизнинг оилангизга тўкин-  
сочинлик, файзу барака, бахт ва шодлик олиб келсин!  
Ушалмаган орзулар ЯНГИ йилда албатта ушалсин.  
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!**





Бугун кун тартиби бўладими, қонун-қоидалар бўладими, ҳаммасини гаджетларимиз орқали назорат қиламиз. Ҳатто саломатлик билан боғлиқ масалаларни ҳам шифокордан аввал интернетдан сўраймиз. Тўғри-да, керакли маълумотларни осонгина олиш имконияти турганда ким ҳам вақтини, ҳам нақдини сарфлагиси келади. Аммо барчаси биз ўйлагандекми? Ахир, ҳамма нарсанинг ҳам бадали борку. Биз бундай қулай имкониятлар учун қандай бадал тўлаймиз?



## КЕЛАЖАКНИ ҲАМ ҲАММАНИ ҲАМ БАДАЛИ БОРКУ

Айтиш жоизки, энг катта тўлов бу вақтимиздир, Бугунга келиб интернет бизни ўзига оҳанрабодек тортиб олди-ки, кунимиз қандай ўтаётганини сезмаяпмиз. Шунингдек фарзандларимизнинг болалигини ҳам бой беряпмиз. Уларнинг кўпчилиги болаларга хос машғулотлар билан шуғулланиш ўрнига гаджетлар билан андармон. Бадал шу, аслида.

Электрон техникалардан чиқадиган ультрабинафша нурлар терининг эрта қариши, кўриш қобилятининг пасайиши, рухий бузулишлар, уйқудаги муаммолар, одамовилик каби муаммоларни ривожлантиради. Булар оддий муаммолар эмас, балки ҳаётимизни мушкуллаштирувчи омиллардир. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ультрабинафша нурлар бошқа нурлар орасида энг кучлиси бўлиб, тери қатламиди осонгина зарарлайди, коллаген ишлаб чиқарилишини сусайтиради. Бу эса юзга эрта ажин тушишига олиб келади. АҚШ Педиатрия академияси, Гарвард тиббиёт мактаби ва бошқа илмий тадқиқот марказлари ҳамда бир қанча журналлар олиб борган тадқиқотлар ва тажрибалар давомида экрандан чиқадиган ультрабинафша нури мелатонин гормонига зарар етказиши исботланган. Бу уйқу бузилиши, ҳатто уйқусизлик касаллигига йўл очади. Вақтида ухламаслик ва миянинг доимий ишлаши фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади. Оқибатда рухий зўриқиш ҳамда рухий касалликлар юзага келади. Замонавий болалар психологияси мутахассисларининг таъкидлашича, болаларда жаҳлдорликни ривожлантириб, депрессив ҳолатларга мойил бўлиб қолишларига олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда 3-4 ёшлардаги болаларни кизикқон ҳолатда кўриш одатий ҳол бўлиб қолди. Бунга асосий сабаб – уларда чиқишиб кета олиш, баҳам кўриш қобилятларининг сустлиги ёки йўқлигидир. Америка педиатрия иниситути олимлари, болалар ўзини жамиятдан олиб қочмаслиги, бошқаларга қўшилиб кета олиши учун жон-

ли мулоқот зарурлигини таъкидлашди. Тадқиқотларга кўра, болаларга 3 ёшгача телефон бериш мумкин эмас, чунки бу ёшда улар атроф-муҳит ҳақида тасаввур ҳосил қила бошлайдилар. Шунинг учун бу ёшдаги болалар билан суҳбатлашиш ва мияни ривожлантирувчи ўйинлар ўйнаш муҳим саналади. Акс ҳолда улар агрессив ва худбин бўлиб қоладилар. Илм-фан, инсон шахсияти 3 ёшгача шаклланишини исботлади. Яъни 3 ёшгача олган тарбиямиз келажагимизда муҳим ўрин тутари. Бу эса табиий равишда ота-оналарга алоҳида масъулият юклайди. 3 ёшгача бўлган болалар билан кўп мулоқот қилиш, уларни эшитиш ва саволларига жавоб беришлари лозим. Ҳозирда болаларни тинчлантириш, овқат едириш ва ҳатто ухлатиш учун ҳам телефондан фойдаланилмоқда. Бу бола табиатини телефон шакллантиради демакдир. Жонли мулоқотнинг йўқлиги эса уни одамови қилиб қўяди, ҳаётини телефондан иборат деб ўйлаб, бошқа болаларга қўшилишга қийналади. Бундай ҳолат ёлғиз фарзандли оилаларда кўпроқ кузатилади. Чунки улар шерик бўлмаганлиги учун кўп вақтини телефон билан ўтказишади. Шу боис ёлғиз фарзандли ота-оналар болалари билан кўпроқ бирга бўлишлари зарур.

Болаларнинг кеч гапиришларини ҳам телефонга боғлаш мумкин, чунки кўп телефон кўриш гапириш эҳтиёжини камайтиради ва бола кеч гапиради. Болага телефон 4-5 ёшдан кейин бериш тавсия этилади. Унда ҳам фақат ривожлантирувчи видеолар кўриш, билимини ошириш учун кунига 1-2 соатдан кўп бўлмаган вақтда телефон ёки компьютердан фойдаланишга руҳсат этиш тавсия этилади.

Шу ўринда телефоннинг овқатланишга бўлган зарари ҳақида гапирмасдан бўлмайди. Овқатланаётганда диккат бошқа нарсаларда бўлса, бу хазм жараёнини қийинлаштиради, чунки ҳаёл бошқа нарсаларда бўлади. Луқмани яхши чайнамасдан, ютиб юбориш, натижада ошқозон овқатни парчалашда қийналади. Экранга қараб

овқатланганда тез-тез ва кўп еб қўйиш натижасида танада инсулин ишлаб чиқариш даражаси ортиб, қонда шакар микдори ортади. Кейин бу кўрсаткич кескин тушади, оқибатда чанқаш ва холсизлик келиб чиқади. Бу ҳолат катталарда шундай, болаларда эса оғирроқ кўринишда юзага келиши мумкин. Бунга сабаб уларнинг организми кичик ва нозиклигидир. Доимий равишда телефон ёки бошқа воситалар орқали видео томоша қилиб овқат еган болада қарамлик шаклланади. Охир-оқибат, телефон берилмаса бола овқат ёйишдан бош тортиши ҳам мумкин.

Телефон оила қадриятларининг йўқолишига ҳам сабаб бўлади. Оила дастурхони қадриятлар шаклланадиган асосий жой. Агар овқатланиш вақтида ҳамманинг эътибори телефонда бўлса, ҳеч ким бир-бири билан суҳбат қилмаса, болаларга оила қадриятларини қандай ўргатиш мумкин?! Ҳар бир фарзанд учун ота-онаси энг яхши намунадир, Агар улар дастурхон бошида, умуман болалар олдида телефондан мунтазам фойдаланса, болалар ҳам айнан шундай қилади. Чунки улар учун энг тўғри иш ота-оналари қилган ишдир. Ҳар бир боланинг ҳаётдаги идеал инсони ота-онасидир. Шунини унутмаслик керакки, болалар тарбиясида буюриш эмас, кўрсатиш муҳим.

**Муборак КАРИМОВА,**  
Ўзбекистон Миллий  
университетининг журналистика  
ва ўзбек филологияси факультети  
талабаси



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг “Ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишга, ташаббуслари ва замонавий ғояларини илгари суришга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш” гранти асосида тайёрланди.

### Муассислар:

Ўзбекистон  
Республикаси  
Экология, атроф-  
муҳитни муҳофаза  
қилиш ва иқлим  
ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва  
ишбилармонлар  
ҳаракати –  
Ўзбекистон  
Либерал-  
демократик  
партияси.

Ўзбекистон  
Нодавлат нотижорат  
ташкilotлари  
миллий  
ассоциацияси.

Ўзбекистон  
Савдо-саноат  
палатаси.

Бош муҳаррир  
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарк” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-1210  
Адади: 1015

Пайшанба кунини чиқади.

Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон  
матбуот ва ахборот  
агентлигида

2006 йил 0010-рақам билан  
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик  
жихатдан сифатли чоп  
этилишига “Шарк”  
нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
масъул.

Маълумот учун  
телефонлар:  
99-994-70-52  
98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz

Газета индекси – 131  
“ЖАМИЯТ” дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6




Biznesni  
Rivojlantirish  
Banki

2025

● Yangi yilingiz muborak bo'lsin! ●

BRB ilovasida 10 million so'mgacha  
KOMISSIYASIZ o'tkazmalar

Переводы БЕЗ КОМИССИИ  
до 10 млн сум в приложении BRB



1254

www.brb.uz